

# МУНДАРИЖА

**КИРИШ**.....

## **1-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАД БАЗАЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ УНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

- 1.1. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг иқтисодий моҳияти ва уни аниқловчи кўрсаткичлар тизими .....
- 1.2. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.....

## **2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАД БАЗАЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИ ДАРАЖАСИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

- 2.1. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг бириктирилган даромадлари (таркиби, тузилмаси, ўзгаришлари ва тенденциялари).....
- 2.2. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг тартибга келтирувчи даромадлари (таркиби, тузилмаси, ўзгаришлари ва тенденциялари).....

## **3-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УНИ МУСТАҲҚАМЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 3.1. Бириктирилган ва тартибга келтирувчи даромадлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш – маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳқамлашнинг асосий йўналиши.....
- 3.2. Дотация ва субвенциялар бериш механизмини такомиллаштириш – маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳқамлашнинг муҳим йўналиши сифатида.....

**ХУЛОСА**.....  
**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** .....  
**ИЛОВАЛАР**.....

## **-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАД БАЗАЛАРИ БАРҚА- РОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

### **1.1. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг иқтисодий моҳияти ва уни аниқловчи кўрсаткичлар тизими**

Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги ва уни мустаҳкамлаш йўналишларига бағишланган илмий-тадқиқот ишида, шу тоифага мансуб бўлган бошқа барча ишларда бўлгани сингари, ушбу мавзуга бевосита дахлдор бўлган бир неча назарий масалаларга аниқлик киритиш йўли билан уларга нисбатан ўз позициямизни шакллантирмоғимиз лозим. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнидаги дастлабки бу қадам ўзига хос бўлган муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижасида шу илмий-тадқиқот ишининг мустаҳкам пойдеворига асос солиниши мумкин. Ўз навбатида, илмий-тадқиқот ишининг пойдевори қанча мустаҳкам бўлса, унинг мустаҳкамлигига асосланиб чиқарилган хулосалар шунчалик тўғри ва берилган таклиф-тавсиялар шунчалик ишончли, асосланган ва натижали бўлади. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги ва уни мустаҳкамлаш йўналишларига тегишли бўлган назарий масалаларни тадқиқ этиш диссертация ишимиз дастлабки бобининг 1-параграфидида алоҳида аҳамият касб этади.

Назарий аҳамиятга эга бўлган бу борадаги биринчи масала “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаб олишдан иборатдир. Бизнинг назаримизда, энг аввало, ана шу масалага нисбатан аниқлик киритиб олмасдан туриб, уни аниқловчи кўрсаткичлар тизими тўғрисида гапириб бўлмайди, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар даромад базаси барқарорлиги даражаси амалдаги ҳолатининг таҳлилини амалга ошириш мураккаблигича қолаверади ва иқтисодиётнинг эркинлаштириш шароитида маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлаш ва уни

мустаҳкамлаш йўналишларини етарли даражада илмий ва амалий жиҳатдан асослаб бўлмайди.

Шу муносабат билан, бизнингча, биринчи навбатда, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” мураккаб иқтисодий моҳиятга эга эканлигини қайт этиб ўтиш керак. Унинг мураккаб иқтисодий моҳиятга эга эканлиги шу жараёни ўзида бир сўз орқали ифодалашнинг иложи йўқлигидан ҳам яққол кўриниб турибди<sup>1</sup>. Таҳлилни чуқурлаштирмасдан, ҳатто сиртдан таҳлил қилиш натижасида ҳам биз қуйидаги фикрни айтишга ҳақлимиз деб ҳисобласак бўлади: “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини, энг оддий, примитив шаклда ва тарзда алоҳида-алоҳида олинган ва қуйидаги кетма-кетликда ифодаланган воқеликни ўзида мужассам этувчи сўзлар ва сўз бирикмалари орқали акс этувчи моҳиятлар синтезидан иборат деб ҳисоблаш мумкин: “маҳаллий” – “маҳаллий бюджетлар” – “маҳаллий бюджетлар даромадлари” – “маҳаллий бюджетлар даромадлари базалари” - “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”. Шунинг учун “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида, дастлабки қадамлардан бири сифатида, унда мужассамлашган моҳиятни ифодаловчи сўзлар ва ибораларнинг замирида қандай маъно-мазмун ётганлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, бунинг учун эса тегишли манбаларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир<sup>2</sup>. Бунда, дастлаб “маҳаллий” – “бюджет” – “даромад” – “база” – “барқарорлик” сўзлари занжирининг маъно-мазмунига эътибор бермоқ ва уларни аниқлаб олмоқ зарур.

Ана шу мақсадда амалга оширилган тадқиқот натижалари, бизнинг фикримизча, қизиқарли натижаларни кўрсатди. Жумладан, “маҳаллий” сўзи

---

<sup>1</sup> Шу маънода, бизнинг фикримизча, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш “молия”, “кредит”, “пул”, “Давлат бюджети”, “пул муомаласи”, “капитал” ва шунга ўхшаш бошқа категорияларнинг иқтисодий моҳиятини аниқлашдан кўра мураккаброқ туюлади.

<sup>2</sup> Биз бу ўринда, энг аввало, турли йилларда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, молия-кредит атамаларининг луғати, турли тоифадаги иқтисодий (молиявий) луғатларни назарда тутаяпмиз.

Ўзбек тилида “маҳаллаларга, атроф-жойларга оид” ва “ерлик” маъноларини англатади<sup>3</sup>.

“Бюджет” (ингл. budget – ҳамён, маблағ) иқтисодий сўз бўлиб, (1) “Муайян вақт (йил, йилчорак) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ва қонуний тарзда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси” ва (2) “Шахсий қирим-чиқим мажмуи” маъноларини англатади<sup>4</sup>.

“Даромад” (форсча – қирим; фойда; бошланиш, ибтидо) сўзи ўзбек тилида тўрт маънода ишлатилиши мумкин бўлиб, шулардан биринчиси иқтисодиётга тегишлидир: “Савдо-сотик, меҳнат, ишлаб чиқариш соҳаларидан давлат ёки айрим шахслар ҳисобига келиб тушадиган соф пул ва бошқа хил тушумлар; қирим”<sup>5</sup>.

“База” (юнонча basis – асос, негиз) ўзбек тилида беш хил маънони англатиб, шундан тўрттаси иқтисодиётга тегишли ва қуйидаги маъноларни англатади: (1) “Халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий соҳаларнинг асоси, негизи, таянчи”; (2) “Муайян моддий нарсалар тўплами, мажмуи; заҳираси”; (3) “Муайян хизматлар кўрсатиш ва керакли жиҳозлар билан таъмин этиб туриш мақсадида барпо қилинган махсус жой, макон”; (4) “Моддий заҳиралар сақланадиган бино, иншоот; омбор”<sup>6</sup>.

Ва ниҳоят, “барқарорлик” атамаси эса “турғунлик, мустаҳкамлик ўзгармаслик ҳолати”<sup>7</sup> деган маъно-мазмунни билдиради.

Бироқ, бизнинг қарашимизча, айнан шу сўзларнинг маъно-мазмунини “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга етарли эмас ҳисобланади. Чунки “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳияти юқоридаги сўзлар англатиши мумкин бўлган маъно-мазмунларнинг механик тарздаги қўшилишидан ҳосил бўлмайди. Бунинг учун “маҳаллий бюджетлар”

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 573 б.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 394.

<sup>5</sup> Ўша ерда. – Б. 567-568.

<sup>6</sup> Ўша ерда, – Б. 139.

<sup>7</sup> Ўша ерда, - Б. 173.

- “маҳаллий бюджетлар даромадлари” - “маҳаллий бюджетлар даромад базалари” - “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” сўз бирикмалари орқали ифодаланаётган маъно-мазмунни ҳам англаб олмак тақозо этилади. Муаммони ечишга шу тарзда ёндошиладиган бўлса, у ҳолда биз, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш борасида яна бир неча муҳим натижаларга эришишимиз мумкин.

Хусусан, “маҳаллий бюджет” дейилган қонунчилигимизда “Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади”<sup>8</sup>.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 3-модда. Шунингдек, қаранг: Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. –Б.157.

- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар<sup>9</sup>.

Маҳаллий бюджетларнинг юқорида баён қилинган даромадлари умумийлашган характерга эга бўлиб, уларнинг маҳаллий солиқлар ва йиғимларга тегишли бўлган қисми, бизнинг назаримизда, анча конкретлаштиришни тақозо этади. Шу муносабат билан, аввало, уларга нисбатан ўзига хос бўлган таърифга эга бўлмоғимиз лозим. Бу ўринда биз проф. Т.С. Маликов ва проф. Н.Ҳ.Ҳайдаровлар томонидан берилган таърифни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Улар томонидан маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагича таъриф берилган: “Мамлакатнинг солиқ қонунчилигига, давлат ҳокимияти органларининг қарорларига ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий актларига мувофиқ ўрнатиладиган ҳамда тегишли маҳаллий ҳудудда тўланиши шарт бўлган солиқ ва йиғимларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар дейилади”<sup>10</sup>.

Бир вақтнинг ўзида, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари сифатида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амалиётда фискаль нуқтаи-назардан етарли даражада самарали бўлмаган ва иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган солиқлар ва йиғимлар сифатида эътироф этилишини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўзига хос тарзда классификация қилинади. Бунда улар давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискал аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб иккига бўлиниши мумкин:

1) қонунчилик ҳокимият органи томонидан жорий этиладиган ва мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 18-модда.

<sup>10</sup> Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – Б.36-37.

2) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорига мувофиқ жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Аксарият ҳолларда 1-гурӯҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ;
- ер солиғи;
- реклама солиғи;
- савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;
- ва бошқалар.

1-гурӯҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўзига хос бўлган хусусияти шундан иборатки, улар бўйича конкрет ставкалар давлат ҳокимият органларининг қарорига мувофиқ белгиланади. Уларни ундириш ва тўлаш тартиби эса тегишли орган (масалан, Молия вазирлиги ёки Давлат солиқ қўмитаси) томонидан ишлаб чиқилган йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

2-гурӯҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркибига қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- компьютерлар, ҳисоблаш техникалари ва автомобилларни олиб сотганлик учун солиқ;
- автотранспортлар тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- ҳудудларни ободонлаштириш учун йиғим;
- маориф ташкилотларининг эҳтиёжлари учун йиғим;
- фуқароларнинг бошқа мақсадли йиғимлари;
- ва бошқалар.

Ҳар иккала гурӯҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркиби амалиётда доимий бўлмасдан, тарихий тараққиёт давомида ўзгариб туриши, уларнинг айримлари бекор ва бошқалари эса, аксинча, янгидан жорий қилиниши мумкин.

Бизнинг фикримизча, “маҳаллий бюджетлар даромадлари” билан “маҳаллий бюджетлар даромад базалари” тушунчалари бир-бирларидан

кескин ёки принципиал равишда фарқ қиладиган тушунчалар эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, агар “маҳаллий бюджетлар даромад базалари”даги “база” сўзи маълум бир соҳанинг “асоси, негизи, таянчи” маъносида ишлатиладиган бўлса, “маҳаллий бюджетлар даромадлари”нинг ҳаммаси ҳам тенг равишда ана шундай қабул қилинмаслиги ёки эътироф этилмаслиги мумкин. Шу маънода “маҳаллий бюджетлар даромад базалари” ва “маҳаллий бюджетлар даромадлари” ўртасида баробарлик белгисини қўйиб бўлмайди. Бу ўринда “маҳаллий бюджетлар даромад базалари” “маҳаллий бюджетлар даромадлари”дан, маълум даражада, кичик бўлиши мумкин. Агар “маҳаллий бюджетлар даромад базалари”даги “база” сўзи “муайян моддий нарсалар тўплами, мажмуи; захираси” сифатида эътироф этиладиган бўлса, у ҳолда кўришиб турибдики, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари” ва “маҳаллий бюджетлар даромадлари” бир-биридан деярли фарқ қилмай қолади. Кўпчилик ҳолларда амалиётда ана шу охириги икки ҳолат назарда тутилганлиги учун “маҳаллий бюджетлар даромадлари” билан “маҳаллий бюджетлар даромад базалари” тушунчаларини бир-бирларидан кескин ёки принципиал равишда фарқ қилмайдиган тушунчалар сифатида эътироф этишга мантиқий асос мавжуддир.

Ва ниҳоят, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” дейилганда, биринчи навбатда, уларнинг турғунлиги, мустаҳкамлиги ўзгармаслик ҳолати назарда тутилади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу ердаги “турғунлик” ва “ўзгармаслик ҳолати”ни “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”га нисбатан “ўзгармайдиган”, “бир хилдаги” ёки “қотиб қолган” шаклда ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар, ҳақиқатдан ҳам “барқарорлик” шу маъноларда ишлатиладиган бўлса, бундай барқарорлик “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилаолмайди ва аксинча, уни бузиб кўрсатган бўлади.

Шундай қилиб, юқорида биз мантиқий мушоҳада юритиш билан “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий



моҳиятини аниқлашга ҳаракат қилдик. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, юқоридаги тарзда мантиқий мушоҳадаларнинг юритилиши “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш учун етарлича эмас. Бунинг сабаби шундаки, барча иқтисодий воқеликлар ёки ҳолатлар сингари, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” ҳам нисбий характерга эга. Яъни “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”, ўз-ўзидан, нимага нисбатан барқарор бўлиши кераклигини ҳам аниқлашни тақозо этади. Бусиз, бизнингча, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг ҳақиқий ёки том маънодаги иқтисодий моҳиятини аниқлаб бўлмайди. Ана шу масалага нисбатан аниқлик киритишда, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетларнинг харажатлар даражаси (кўлами) муҳим роль ўйнайди.

Ҳақиқатдан ҳам, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” тўғрисида гап кетган пайтда, энг аввало, уларнинг харажатларга нисбатан барқарорлиги назарда тутилади. Бу шундай барқарорликки, у маҳаллий бюджет харажатларининг амалга оширилишини ёки уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминлашга имкон беради. Агар маҳаллий бюджет харажатларини тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни амалга оширишнинг имконияти бўлмаса, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” тўғрисида гапириш ўзининг маъносига эга эмас.

“Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи яна бир муҳим ҳолат, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар даромадларининг республикамиз амалиётидаги шакллантириш таркибига бориб тақалади. Маълумки, амалдаги тартибга кўра, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари, шартли равишда, қуйидаги икки таркибий кўринишга эга:

- маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари;
- маҳаллий бюджетларнинг тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлари.

Сиртдан қаралганда, айрим ҳолларда, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда унга тегишли бўлган даромадлар бир қисмининг “бириктирилган даромадлар” ва иккинчи қисмининг эса, “тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлар” деб номланиши принципиал аҳамиятга эга эмасдек, туюлади. “Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”ни шу бюджет даромадларининг икки тури, яъни бириктирилган даромадлар ва тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлар<sup>11</sup> белгилаб берар экан, бизнинг фикримизча, барқарорликни белгилаб беришда улар ҳар бирининг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Ҳақиқатдан ҳам бу нарсага эътибор берилаётган бўлса, у ҳолда “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”ни таъминлашда даромадларнинг қайси тури, яъни бириктирилган даромадларми ёки тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгами, деган саволнинг аниқ жавобига эга бўламиз.

“Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда масалага шу тарзда ёндошиладиган ва шунга мос равишда амалиётдаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиқиладиган бўлса, у ҳолда “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини белгилаб беришда (аниқлашда) тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларнинг роли анча катта эканлиги маълум бўлади. Ҳақиқатдан ҳам республикаимиз амалиётидаги кейинги 5 йиллик (2004-2008 йиллар) маълумотларга назар солинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромад базалари барқарорлигининг 85-87%и тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлар ҳисобидан таъминланганлигини аниқлашимиз мумкин. Ва аксинча, шу йилларда улар барқарорлигининг 13-15%и бириктирилган даромадлар ҳисобидан таъминланган<sup>12</sup>.

---

<sup>11</sup> Улар ҳар бирининг таркиби, тузилмаси, ўзгаришлари ва тенденциялари хусусида диссертация ишимизнинг 2-бобида батафсил тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

<sup>12</sup> Бу ерда ва бундан кейинги ўринларда тегишли рақамлар келтириляётган пайтда, баъзи бир объектив сабабларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари билан чекланилган, холос. Бошқа манбалардаги рақамларнинг иноватга олиниши келтирилган кўрсаткичлар даражаларининг бироз ўзгаришига сабаб бўлса-да, чиқариляётган хулосаларнинг кескин ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатаолмайди.

Ана шу масала мамлакатимизнинг алоҳида олинган маъмурий худудлари кесимида кўриб чиқиладиган бўлса, у ҳолда қуйидаги манзаранинг гувоҳи бўламиз: 2004 йилда маҳаллий бюджетлар даромадлар базасининг барқарорлигини таъминлашда тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларнинг ҳиссаси республикаимиз бўйича ўртача 85,69%ни ташкил этган ҳолда унинг даражаси вилоятлар бўйича 81,43%дан (Қашқадарё вилоятида) 89,21%гача (Хоразм вилоятида) тебранган. 2008 йил учун эса ана шу ҳолат қуйидаги рақамлар характерланади: республикаимиз бўйича ўртача даража 85,02%га тенг; вилоятлар кесимида эса 80,0%дан (Самарқанд вилоятида) 91,66%гача (Навоий вилоятида) ўзгариб борган<sup>13</sup>.

Юқорида келтирилган бу рақамлар, 2004-2008 йиллар орасида улар биров ўзгарган бўлишига қарамасдан, ҳозирги пайтда маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашда тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлар ҳал қилувчи рольни ўйнапти ва шунга мос равишда “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда айнан шу даромадлар етакчи вазифани бажараяпти, деб хулоса чиқариш учун етарлидир. Бу чиқарилган хулоса, айниқса, назарий жиҳатдан принципиаль аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш йўналишларини белгилашда, албатта, ҳисобга олиниши керак<sup>14</sup>.

Ва ниҳоят, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи навбатдаги муҳим ҳолат, бизнинг назаримизда, маҳаллий бюджетлар харажатларининг белгиланган суммалар миқдорида ва ўз вақтида молиялаштирилиши билан белгиланади. Ҳақиқатдан ҳам маҳаллий бюджетларнинг харажатларини белгиланган суммалар миқдорида ва ўз вақтида молиялаштиришнинг иложи

---

<sup>13</sup> Бу масалалар ҳам диссертация ишимизнинг 2-бобида вилоятлар кесимида батафсил таҳлил қилинади.

<sup>14</sup> Бу тўғрисида биз диссертация ишимизнинг 3-бобида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

бўлмаса, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” тўғрисида гапириш ўзининг маъно-мазмунини юқотади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини ифодаловчи унга қуйидагича таърифни бериш мумкин: **маълум бир нисбатдаги бириктирилган ва тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлардан иборат бўлган, алоҳида олинган маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасидаги бюджет тadbирларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда узлуксиз молиялаштириш имкониятини таъминлашга маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги дейилади.**

Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг моҳиятини ифодаловчи таъриф шакллантирилганидан сўнг, бизнинг назаримизда, унинг қандай кўрсаткичлар орқали ифодаланишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини аниқлашга бир неча кўрсаткичлардан иборат бўлган алоҳида олинган тизим хизмат қилиши мумкин. Қуйида уларнинг энг асосийлари хусусида, қисқача тарзда, тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

1. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари даражасида уларнинг шунга тенг бўлган даромадлар билан таъминланганлиги; Бу кўрсаткич маҳаллий бюджетлар харажатлари ва барча манбалар ҳисобидан олинган унинг даромадларини ўзаро таққослаш натижасида аниқланади. Республикамиз амалиётида қўлланилаётган тартибга мувофиқ равишда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида, уларнинг тақчиллигига ҳам йўл қўйилмайди<sup>15</sup>. Шу сабабли юқоридаги кўрсаткич, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини кўрсатувчи биринчи ва энг умумий кўрсаткич сифатида эътироф этилмоғи лозим. Агар маҳаллий бюджетларнинг харажатларини

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 24-модда.

“ $X_{мб}$ ” ва даромадларини “ $D_{мб}$ ” билан белгилайдиган бўлсак, у ҳолда маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги  $X_{мб} = D_{мб}$  (1) тенглиги орқали ифодаланади. Бу ерда  $X_{мб} < D_{мб}$  ёки  $X_{мб} > D_{мб}$  тенгсизликлари ўринли эмас, албатта.

2. Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари даражасини характерловчи кўрсаткич; Унинг даражасини Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари суммасини маҳаллий бюджетлар харажатларининг умумий суммасига бўлиб топиш ва уни формула орқали қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

$$МБДД_{рб} = (\sum РББД_{мб} : \sum МБ_{жсх}) \times 100\%, \quad (2)$$

бу ерда:  $МБДД_{рб}$  - Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари даражаси;

$\sum РББД_{мб}$  - Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари суммаси;

$\sum МБ_{жсх}$  - маҳаллий бюджетлар харажатларининг умумий суммаси.

Масалан, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси доирасида бу кўрсаткичнинг даражаси вилоятлар кесимида қуйидагилар билан характерланади<sup>16</sup> (1.1.1-жадвал):

<sup>16</sup> Ана шу ҳолатни характерлайдиган 2005-2008 йилларга тегишли бўлган маълумотлар 1.1.1-иловада келтирилган ва улардан диссертациянинг кейинги ўринларида фойдаланилади.

**2009 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича Республика бюджетидан  
маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган  
даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар  
даромадларининг даражаси<sup>17</sup>**

Маъмурий худудлар	Республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар- нинг даромадларига қай- та бериладиган даромад- ларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюд- жетларнинг даромад- лари, млн. сўмда	Маҳал- лий бюджет- ларнинг харажат- лари, млн. сўмда	Маҳаллий бюджет- лар даро- мадлари- нинг дара- жаси <sup>18</sup> , %да
Қорақалпоғистон Респ.	261 616,9	390 920,2	66,92
Андижон вилояти	334 305,8	512 518,5	65,23
Бухоро вилояти	360 394,2	360 394,2	100,0
Жиззах вилояти	166 175,9	274 207,2	60,60
Қашқадарё вилояти	564 703,6	564 703,6	100,0
Навоий вилояти	217 029,5	217 029,5	100,0
Наманган вилояти	165 412,9	473 088,0	34,96
Самарқанд вилояти	407 371,9	660 874,2	61,64
Сурхондарё вилояти	196 495,7	489 735,4	40,12
Сирдарё вилояти	125 953,3	182 969,4	68,84
Тошкент вилояти	528 557,6	528 557,6	100,0
Фарғона вилояти	669 067,8	669 067,8	100,0
Хоразм вилояти	220 361,3	333 899,3	65,99
Тошкент шаҳри	577 322,9	577 322,9	100,0
<b>Ўзбекистон Респ.</b>	<b>4 794 769,4</b>	<b>6 235 288,1</b>	<b>76,89</b>

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини характерлашга хизмат қилувчи бу кўрсаткичнинг даражаси республикамиз бўйича 76,89%ни ташкил этаётган бир пайтда, унинг даражаси айрим вилоятлар бюджетида 35-40%гачани (масалан, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида) ташкил

<sup>17</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрьдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори маълумотлари асосида тузилган.

<sup>18</sup> Бу ўринда “маҳаллий бюджетлар даромадларининг даражаси” дейилаётганда Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларининг даражаси (субвенция ва дотацияларсиз) назарда тутилаяпти.

этаётир, холос. Ана шу рақамларнинг ўзлари ҳам маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашда амалиётда талай муаммоларнинг мавжудлигидан дарак беради<sup>19</sup>.

3. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ молиялаштирилганлигини ифодаловчи кўрсаткич; Бу кўрсаткични маҳаллий бюджетда маълум бир санада молиялаштирилиши режалаштирилган харажатлар суммаларининг ҳақиқатда молиялаштирилган суммаларга таққослаб аниқласа бўлади. Бу ерда ҳам маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги нуқтаи-назаридан маълум бир санада молиялаштирилиши режалаштирилган харажатлар билан уларнинг ҳақиқатда молиялаштирилган даражалари тенг бўлмоғи лозим ва сана жиҳатидан ҳам улар бир-бирига тўғри келиши зарур. Агар бу ерда ҳам молиялаштирилиши режалаштирилган харажатлар суммасини “ $X_{мб} \sum pmx$ ” ва ҳақиқатда молиялаштирилган харажатлар суммасини эса “ $X_{мб} \sum xxm$ ” деб белгилайдиган бўлсак, қуйидаги тенглик маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини аниқлашга хизмат қилиши мумкин:

$$X_{мб} \sum pmx = X_{мб} \sum xxm, (3)$$

Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигига баҳо беришда юқорида кўрсаткич муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг аҳволини аниқлашда иштирок этувчи таркибий қисмларнинг (режалаштирилган ва ҳақиқатда молиялаштирилган суммалар, режалаштирилган ва ҳақиқатда амалга оширилган муддатлар) бир-бирига тенг ва тўғри келиши субъектлар олдидаги бюджет мажбуриятларининг қандай бажарилганлигини кўрсатади ва шунга мос равишда, улар даромад базаларининг қанчалик барқарорлигидан ҳам дарак беради.

4. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базалари сифатида эътироф этилган даромадларнинг белгиланган суммаларда ва ўз вақтида бюджетга тўлиқ тушиб туришини кўрсатувчи кўрсаткич; Унинг даражасини ҳақиқатда

---

<sup>19</sup> Бу тўғрисида диссертация ишимизнинг кейинги қисмларида батафсил тўхталамиз.

маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрига келиб тушган даромадлар суммаларининг маҳаллий бюджетга келиб тушиши режалаштирилган даромадларнинг суммаларига нисбатлаб аниқлаш мумкин. Буни формула орқали қуйидагича ифодаласа бўлади:

$$[Дх] : [Др] \times 100\%, \quad (4)$$

бу ерда:  $[Дх]$  - маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрига ҳақиқатда келиб тушган даромадлар суммаси;

$[Др]$  - маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрига келиб тушиши лозим бўлган даромадларнинг режалаштирилган суммаси.

Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги нуктаи назаридан бу кўрсаткичнинг даражаси 100%га тенг ва ундан кам бўлмаслиги керак.

5. Маҳаллий бюджетлар умумий даромадларининг таркибида бириктирилган даромадларнинг салмоғи орқали ифодаланувчи кўрсаткич; Унинг даражасини маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари суммасини уларнинг умумий даромадлари суммасига бўлиб топиш ва уни формулада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$(\mathbf{МБ}_{бд} : \mathbf{МБ}_{уд}) \times 100\%, \quad (5)$$

бу ерда:  $\mathbf{МБ}_{бд}$  - маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари;

$\mathbf{МБ}_{уд}$  - маҳаллий бюджетларнинг умумий (жами) даромадлари.

Замонавий бозор иқтисодиётининг талаблари нуктаи-назаридан бу кўрсаткичнинг даражаси узлуксиз равишда ортиб бориш тенденциясига эга бўлмоғи лозим.

6. Маҳаллий бюджетлар умумий даромадларининг таркибида тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларнинг салмоғи орқали ифодаланувчи кўрсаткич; Юқоридаги тартибни инобатга олган ҳолда унинг даражасини маҳаллий бюджетларнинг тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлари



суммасини уларнинг умумий даромадлари суммасига бўлиб топиш ва уни формулада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$(\text{МБ}_{\text{ткд}} : \text{МБ}_{\text{уд}}) \times 100\%, \quad (6)$$

бу ерда:  $\text{МБ}_{\text{ткд}}$  - маҳаллий бюджетларнинг тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлари;

$\text{МБ}_{\text{уд}}$  - маҳаллий бюджетларнинг умумий (жами) даромадлари.

Замонавий бозор иқтисодиётининг талаблари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет сиёсатига мувофиқ равишда бу кўрсаткичнинг даражаси, 5-кўрсаткичга нисбатан аксинча, узлуксиз равишда пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиши керак.

7. Маҳаллий бюджетларни мақсадли субвенциялаштириш кўрсаткичи; Унинг даражасини маҳаллий бюджетларга берилган мақсадли субвенциялар суммаларининг шу бюджетлар харажатларининг умумий суммасига нисбати орқали аниқлаш мумкин ва уни формулада қуйидагича акс эттирса бўлади:

$$(\sum \text{МБ}_{\text{субв.}} : \sum \text{МБ}_x) \times 100\%, \quad (7)$$

бу ерда:  $\sum \text{МБ}_{\text{субв.}}$  - маҳаллий бюджетларга берилган мақсадли субвенцияларнинг суммаси;

$\sum \text{МБ}_x$  - маҳаллий бюджетлар харажатларининг умумий суммаси.

Фақат 2009 йилнинг маълумотлари ҳисобга олинган бўлса, бу кўрсаткичнинг даражаси мамлакатимизда қуйидагилар билан характерланади<sup>20</sup> (1.1.2-жадвал):

Демак, 1.1.2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2009 йилда республикамиз бўйича маҳаллий бюджетларнинг субвенцияланиш даражаси ўртача 19,07%га тенг бўлишига қарамасдан, бу кўрсаткичнинг даражаси вилоятлар кесимида 31,16%дан (сирдарё вилояти) 39,39%гача (Жиззах

---

<sup>20</sup> Ана шу ҳолатни характерлайдиган 2007-2009 йилларга тегишли бўлган маълумотлар 1.1.2-иловада келтирилган ва улардан диссертациянинг кейинги ўринларида фойдаланилади.

**2009 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича  
маҳаллий бюджетларнинг субвенцияланиши<sup>21</sup>**

Маъмурий худудлар	Маҳаллий бюджет- ларнинг харажатлари, млн. сўмда	Ажратил- ган суб- венциялар, млн. сўмда	Маҳаллий бюджетларнинг субвенцияланиш даражаси, %да
Қорақалпоғистон Респ.	390 920,2	129 303,3	33,08
Андижон вилояти	512 518,5	178 212,8	34,77
Бухоро вилояти	360 394,2	-	-
Жиззах вилояти	274 207,2	108 031,3	39,39
Қашқадарё вилояти	564 703,6	-	-
Навоий вилояти	217 029,5	-	-
Наманган вилояти	473 088,0	164 343,9	34,74
Самарқанд вилояти	660 874,2	253 502,3	38,36
Сурхондарё вилояти	489 735,4	184 980,5	37,77
Сирдарё вилояти	182 969,4	57 016,1	31,16
Тошкент вилояти	528 557,6	-	-
Фарғона вилояти	669 067,8	-	-
Хоразм вилояти	333 899,3	113 538,0	34,00
Тошкент шаҳри	577 322,9	-	-
<b>Ўзбекистон Респ.</b>	<b>6 235 288,1</b>	<b>1 188 928,2</b>	<b>19,07</b>

вилояти) тебранган. Бу рақамлар, ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашда субвенциялар қандай яққол роль ўйнаётганлигини кўрсатади. Шуниси характерлики, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигига баҳо бериш нуқтаи-назаридан бу кўрсаткич барча маҳаллий бюджетлар учун хос бўлмаслиги мумкин. Чунки унинг даражасини мақсадли субвенцияларни олмаган маҳаллий бюджетлар бўйича аниқлашнинг иложи йўқ. Масалан, кейинги икки йил, яъни 2008 ва 2009 йиллар давомида мамлакатимиздаги 14та маъмурий худудларнинг бтасида (Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри) иш берувчиларнинг ажратмалари,

<sup>21</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрьдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори маълумотлари асосида тузилган.

ижтимоий нафақалар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга субвенциялар кўзда тутилмаяпти. Лекин бундан ана шу бта маъмурий ҳудудларда маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги субвенцияга эга бўлган вилоятлардагига нисбатан нобарқарордир ёки пастроқдир, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

8. Маҳаллий бюджетлар харажатлари бир қисмининг дотациялар ҳисобидан қопланиш даражаси орқали ифодаланувчи кўрсаткич (харажатларнинг дотацияланиш коэффициенти). Бу кўрсаткични аниқлашни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$K_{dot} = (\sum D_{dot} : \sum MB_x) \times 100, \quad (8)$$

бу ерда:  $K_{dot}$  - харажатларнинг дотацияланиш коэффициенти;

$\sum D_{dot}$  - ажратилган дотацияларнинг суммаси;

$\sum MB_x$  - маҳаллий бюджетлар харажатларининг умумий суммаси.

7-кўрсаткични аниқлашга доир фақат 2009 йилнинг маълумотларидан фойдаланилгани сингари бу ерда ҳам худди шундай йўл тутиладиган бўлса, у ҳолда мамлакатимиз маҳаллий бюджетлари учун қуйидагиларнинг хос эканлигини аниқлашимиз мумкин<sup>22</sup> (1.1.3-жадвал).

1.1.3-жадвал

### 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича маҳаллий бюджетларнинг дотацияланиши<sup>23</sup>

Маъмурий ҳудудлар	Маҳаллий бюджет- ларнинг харажатлари, млн. сўмда	Ажратил- ган дота- циялар, млн. сўмда	Маҳаллий бюджетларнинг дотацияланиш даражаси, %да
Наманган вилояти	473 088,0	143 331,3	30,29
Сурхондарё вилояти	489 735,4	108 259,2	22,11
<b>Ўзбекистон Респ.</b>	<b>6 235 288,1</b>	<b>251 590,5</b>	<b>4,03</b>

<sup>22</sup> Ана шу ҳолатни характерлайдиган 2006-2009 йилларга тегишли бўлган маълумотлар 1.1.3-иловада келтирилган ва улардан диссертациянинг кейинги ўринларида фойдаланилади.

<sup>23</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрьдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори маълумотлари асосида тузилган.

1.1.3-жадвалда келтирилган маълумотлар маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги нуқтаи-назаридан бу бюджетларнинг

1.1.4-жадвал

**2009 йилда Ўзбекистон Республикаси ва унинг дотацион ҳудудлари бўйича маҳаллий бюджетларнинг дотацияланишини характерловчи кўрсаткичлар<sup>24</sup>**

т/р	Маъмурий ҳудудлар ва уларга тегишли бўлган кўрсаткичлар	2009 йил
1.	<b>Наманган вилояти бўйича:</b> а) вилоят бюджетининг харажатлари, млн. сўмда б) вилоят бюджети харажатларининг жами маҳаллий бюджетлар харажатларидаги салмоғи, %да в) вилоятга ажратилган дотацияларнинг суммаси, млн. сўмда г) вилоятга ажратилган дотацияларнинг суммасининг жами дотациялар суммасидаги салмоғи, %да	473 088,0 7,58 143 331,3 56,97
2.	<b>Сурхондарё вилояти бўйича:</b> а) вилоят бюджетининг харажатлари, млн. сўмда б) вилоят бюджети харажатларининг жами маҳаллий бюджетлар харажатларидаги салмоғи, %да в) вилоятга ажратилган дотацияларнинг суммаси, млн. сўмда г) вилоятга ажратилган дотацияларнинг суммасининг жами дотациялар суммасидаги салмоғи, %да	489 735,4 7,85 108 259,2 43,03
3.	<b>Ўзбекистон Республикаси бўйича:</b> а) маҳаллий бюджетларнинг жами харажатлари, млн. сўмда б) маҳаллий бюджетлар жами харажатларининг Давлат бюджети харажатларидаги салмоғи, %да в) маҳаллий бюджетларга ажратилган дотацияларнинг жами суммаси, млн. сўмда г) маҳаллий бюджетларга ажратилган дотациялар суммасининг улар жами харажатларидаги салмоғи, %да д) маҳаллий бюджетларга ажратилган дотациялар суммасининг Давлат бюджети жами харажатларидаги салмоғи, %да е) маҳаллий бюджетларга ажратилган дотациялар суммасининг Давлат бюджети жами даромадларидаги салмоғи, %да	6 235 288,1 57,08 251 590,5 4,03 2,31 2,41

<sup>24</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрьдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори маълумотлари асосида тузилган.

дотацияланиш даражасини кўрсатади ва бизнинг назаримизда, улар изоҳга муҳтож эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, маҳаллий бюджетларнинг дотацияланиш кўрсаткичи улар даромад базалари бақарорлигини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимида алоҳида ўринни эгаллаганлиги муносабати билан, бизнинг фикримизча, 1.1.4-жадвалда келтирилган маълумотлар, бу кўрсаткичнинг алоҳида олинган маҳаллий бюджетлар доирасида қандай долзарблик касб этаётганлигини яна бир марта тўлдириб кўрсатишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, диссертация ишимиз 1-бобининг 1-параграфи доирасида биз маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ва уни аниқловчи (характерловчи) кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Бу масалаларга аниқлик киритилганидан сўнг, олдимизда турган навбатдаги вазифа маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб бериш ҳамда унга таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборатдир. Шу сабабли ушбу бобнинг навбатдаги параграфиди ана шу масалаларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

## **1.2. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги ва унга таъсир этувчи омиллар**

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини аниқлашга ва улар даромад базалари барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини берди. Ана шу тадқиқот натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги, энг аввало, республикамиз амалиётида ҳозирги пайтда қўлланилиб келинаётган тартиб

билан белгиланади. Унга кўра, ушбу бобнинг олдинги параграфиди қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимиздаги барча маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак ҳамда уларнинг тақчиллигига йўл қўйилмайди. Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида ўз аксини топган.

Бизнинг фикримизча, қонуннинг ана шу моддасида маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объекти зарурлигини белгилаб берадиган икки ҳолат мавжуд. Уларнинг биринчиси маҳаллий бюджетларнинг балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши бўлса, иккинчиси эса уларнинг тақчиллигига йўл қўйилмаслигидир. Кўриниб турибдики, бу ердаги ҳар икки ҳолатни ҳам маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маҳаллий бюджетларнинг балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши кераклиги ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмаслигини улар даромад базалари барқарорлигини таъминлаш объектив зарурлигининг асосий шарти сифатида эътироф этмоқ лозим.

Фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спортга доир тадбирлар асосий қисмининг маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилаётганлиги (маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича) улар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини кўрсатувчи иккинчи шартдир. Ҳақиқатдан ҳам юқоридаги соҳаларни ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Ўз навбатида, фан таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ўз-ўзида содир бўлмасдан, балки катта миқдордаги маблағларни талаб қилиши, табиий. Биргина қуйидаги рақамлар бизнинг фикримизни ўринли эканлигини тўлиқ тасдиқлайди<sup>25</sup>: 2009 йилда ижтимоий

---

<sup>25</sup> Бу ўринда ва бундан кейинги худди шундай жойларда айнан шуларга тегишли бўлган маълумотлар 2005-2008 йиллар учун ҳам келтирилиши мумкин. Уларнинг барчаси билдирилаётган фикрларимизнинг асосланганлик даражасини анча оширишига қарамасдан, диссертация иши ҳажмининг чекланганлигини

соҳанинг асосий қисмини ташкил этувчи маориф тизимини молиялаштиришга 3 562 916,5 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, у шу соҳага ажратилиши лозим бўлган харажатларнинг 70,63%ини ташкил этади; соғлиқни сақлаш тизимига сарфлаш учун 1 290 048,5 млн. сўм мўлжалланилган ва у ижтимоий соҳа жами харажатларининг 25,57%ига тенгдир; маданият ва спортни молиялаштиришга 127 336,1 млн. сўм кўзда тутилган бўлиб, у ижтимоий соҳа жами харажатларига нисбатан 2,52%ни ташкил этади; фанни молиялаштириш учун 64 317,8 млн. сўм ажратилиши режалаштирилиб, унинг ижтимоий соҳа жами харажатларидаги салмоғи 1,27%га тенг демакдир<sup>26</sup>. Маҳаллий бюджетлар жами харажатларининг мамлакатимиз Давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 2009 йилда 57,08%га тенг бўлаётганлиги (1.1.4-жадвалга қаранг) эътиборга олинадиган бўлса, бу ҳолат маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини белгилаб беришда қай даражада роль ўйнаши мумкинлигини яққол кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, маҳаллий бюджетлардан ижтимоий таъминот ва аҳолини бевосита ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг тўлиқ молиялаштирилаётганлиги (айрим истиснолар бундан мустасно) ҳам улар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини тақозо этувчи муҳим шартлардан биридир. Ўзбекистон шароитида ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг қандай ўткирлик касб этаётганлиги, уларнинг долзарблиги, айниқса, ҳозирги шароитда, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янги босқичга кўтарилаётганлиги, бу масала мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат ва ислохотларнинг марказида турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Республикамиз миқёсида қуйидаги маълумотлар фикримизнинг тўғрилигини тасдиқлайди: 2009 йилда ижтимоий

---

уларни бу ерда батафсил келтириб ўтиришимизга имкон бермайди ва шунинг учун ҳам охириги йилга тегишли бўлган маълумотларни келтириш билан чекланамиз.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрьдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

таъминот харажатлари 64 317,8 млн. сўм ва оилаларга (болалари бўлган оилаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ижтимоий нафақалар 1 043 703,9 млн. сўм миқдорида белгиланган бўлиб, уларнинг жами суммаси 1 090 760,7 млн. сўмни ташкил этади. Охириги рақам мамлакатимиз Давлат бюджетининг харажатлари ва маҳаллий бюджетлар жами харажатларининг суммаси билан таққосланганда, мос равишда, 9,99% ва 17,49%га тенг эканлиги маълум бўлади. Бу мамлакатимиз Давлат бюджетидан сарфланаётган ҳар 10 сўмдан 1 сўми ва маҳаллий бюджетлардан сарфланаётган ҳар 10 сўмдан қарийб 2 сўми шу мақсадларга сарфланаяпти<sup>27</sup>, демакдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш, иқтисодиёт турли тармоқларининг бюджет ташкилотларини сақлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга оширишнинг<sup>28</sup> зарурлиги ҳам, бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлининг объектив зарур эканлигини тақозо этади. Лекин бу ерда ушбу ҳолатларга тегишли бўлган масала, бизнинг фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлашда маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг объектив зарурлиги бу органлар фаолиятини максимал даражада таъминлаш нуқтаи-назаридан эмас, балки шу мақсадлар учун ажратилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги, қонунийлиги, тежаб-тергаб сарфланиши, иқтисод режимига риоя қилиниши, энг юқори иқтисодий самарага эришилишини кўзлаб сарфланиши нуқтаи-назаридан қаралмоғи лозим. Худди шундай ёндошув иқтисодиёт турли тармоқларининг бюджет ташкилотларини молиявий жиҳатдан таъминлашга ҳам тегишли бўлмоғи шарт.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш нуқтаи-назаридан маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>28</sup> Қонун ҳужжатларига мувофиқларини.



алоҳида тарзда асосланишни талаб этади. Чунки ҳозирги шароитда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш иқтисодий тараққиётга эришишнинг ўзига хос бўлган усулларидан бири бўлиб, уларнинг реализация қилинишини маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги эвазига таъминладиган жуда катта ҳажмдаги молиявий маблағларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу муносабат билан жуда катта миқдордаги молиявий маблағларни талаб этувчи иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирлари, энг аввало, пухта ва ҳар томонлама ўйланган, ҳисоб-китоб қилинган, истиқболга мўлжалланган, айрим ҳолларда кескин сифат ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлган ва бюджет маблағларидан энг оқилона ва самарали сарфлашнинг намунаси бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси бўйича Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадларининг даражасининг амалиётда ҳамон нисбатан паст даражада сақланиб келинаётганлиги (бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси, масалан, 2009 йилда мамлакатимизда 76,89%га тенг бўлган бўлса, унинг даражаси вилоятлар кесимида 34,96%дан – Наманган вилоятида – 68,84%гача – Сирдарё вилоятида – тебранган), айрим маъмурий ҳудудларда (масалан, Жиззах вилоятида унинг даражаси кейинги 3 йил ичида 38,47%дан 60,60%гача етиб борган) бу кўрсаткич даражасининг кескин ортиш тенденциясига эга бўлаётганлиги, унинг 100,0%лик даражасига эришган вилоятлар (уларнинг сони таҳлил қилинган йиллар давомида бталигича қолмоқда) сонидан бирор-бир ўзгаришларнинг содир бўлмаётганлиги ҳам маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигидан дарак беради. Бунинг айнан шундай эканлигини 1.1.1-иловада келтирилган маълумотлар узил-кесил тасдиқлайди.

Амалга оширилган илмий тадқиқот жараёни ижтимоий нафақалар, марказлаштирилган инвестициялар ва ижтимоий суғурталарга ажратмаларни молиялаштиришга субвенцияларнинг мавжудлиги маҳаллий бюджетлар

даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини кўрсатувчи омиллардан бири эканлигини асослашга имкон берди. Ҳақиқатдан ҳам таҳлилларнинг кўрсатишича, республикаимиз амалиётида маҳаллий бюджетларнинг харажатларини унинг даромадлари билан баланслаштириш муаммосини ва демак, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласини маҳаллий бюджетлар бириктирилган даромадларининг устига Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни қўшган тақдирда ҳам ҳал этишнинг иложи бўлмаяпти. Бу муаммони бироз юмшатиш мақсадида маҳаллий бюджетларга бюджет субвенциялари, яъни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари ажратилаяпти. Таҳлил остига олинаётган йиллар давомида бундай ҳолат республикаимизнинг бта маъмурий ҳудудларидан (Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри) ташқари уларнинг барчасига хос эканлигини аниқлашимиз мумкин (1.1.2-илова).

Бир вақтнинг ўзида, маҳаллий бюджетлар харажатларининг субвенцияланиш даражаси ўрганилганда шу тоифага кирувчи маъмурий ҳудудларга, бир-биридан фарқ қилувчи, турли манзаранинг хос эканлигини аниқлаш унча мушкул эмаслигини маълум бўлади. Масалан, шу йиллар оралиғида Жиззах вилояти учун субвенцияланиш даражасининг ортиб бориши характерли бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари учун ушбу кўрсаткичнинг йилдан-йилга ўзгариб туриши хос. Шунингдек, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари учун эса бу кўрсаткичнинг даражасига, деярли барқарорлик тегишлидир. Ушбу кўрсаткич даражасининг барқарорлиги, умумий ҳолда олганда, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам хос бўлиб, унинг даражаси таҳлил остига олинган йиллар давомида 19-20%ни ташкил этиб келаяпти. Бу масалага нисбатан ҳақиқий вазиятнинг ана шундай эканлиги маҳаллий бюджетлар даромад

базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини яна бир марта кун тартибига қўйишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетлар харажатлари бир қисмининг амалиётда дотацияланаётганлиги улар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини тақозо этувчи омиллардан яна биридир. Чунки амалиётда айрим маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрига барча бириктирилган даромадлар, Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадлар ва тегишли субвенцияларнинг тақдим қилиниши натижасида ҳам уларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатни тиклашнинг иложи бўлмаяпти. Хусусан, буни 3-иловада келтирилган маълумотлар яққол кўрсатиб турибди. Унга кўра, ҳозирги пайтда мамлакатимиз бўйича маҳаллий бюджетлар харажатларининг дотацияланиш даражаси 4-5%га тенг бўлиб, у учун йилдан-йилга пасайиб бориш тенденцияси характерли. Албатта, бу мустақиллик йилларида алоҳида олинган маъмурий ҳудудларнинг дотационлигига барҳам бериш борасида олиб борилаётган изчил молиявий сиёсатнинг ижобий натижаси сифатида эътироф этилмоғи лозим. Шунга мос равишда, 2009 йилга келиб дотацион вилоятларнинг сони яна биттага (Жиззах вилояти) камайган.

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, амалиётда ҳамон республикамизнинг икки вилояти (Наманган ва Сурхондарё вилоятлари) дотационлигича қолиб келаяпти. Бунинг устига, Сурхондарё вилоятига тегишли маҳаллий бюджет харажатларининг дотацияланиш кўрсаткичи учун, таҳлил қилинаётган йиллар давомида, барқарорлик (22-23% атрофида) таркиб топган бўлса, Наманган вилояти учун эса у ўсиб бориш (23%дан 30%гача) тенденциясига эга. Шунингдек, 2009 йилга келиб Жиззах вилояти бўйича дотационликка барҳам берилиши, бизнинг назаримизда, анча шубҳали кўринади. Бу масалага нисбатан қуйидаги ҳолатларнинг мавжуд эканлиги бизнинг шубҳаланишимизга асос бўлади: 2008 йилда 2007 йилга нисбатан бу вилоят бўйича бюджет харажатларининг дотацияланиш

даражаси 3,34 фоизли пунктга (25,58% – 22,24%) ёки 13,06%га пасайган бўлса, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан унинг даражаси қарийб 8 баробар юқори суръатларда, яъни 100%га пасайтирилган; олдинги йилга нисбатан бу вилоят бўйича бюджет харажатларининг умумий суммаси 97 322,8 млн. сўмга (274 207,2 – 176 884,4) ортганлиги шароитида дотационликка барҳам берилган; бу ердаги дотационликка барҳам берилиш икки манба (республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадлар ва субвенциялар ҳисобидан) ва уларнинг олдинги йилга нисбатан кескин ортиши (республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадлар 2,35 мартага ва субвенциялар 1,62 мартага) ҳисобидан амалга оширилган (1.1.1- ва 1.1.2-иловаларга қаранг).

Шундай қилиб, тадқиқот натижасида аниқланган ва юқорида келтириб ўтилган барча ҳолатлар маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлигини белгилаб беради. Бир вақтнинг ўзида, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги ва уни мустаҳкамлаш йўналишларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган вазифани уларнинг барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омилларни аниқламасдан бажаришнинг иложи йўқ. Шу сабабли энди масаланинг ана шу жиҳатига эътибор беришга ҳаракат қиламиз.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омилларни аниқлашга ва уларни бир тизимга келтиришга ҳаракат қилинди. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- суммаси маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг ундирилувчанлик даражаси;

- маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ равишда ўтказиладиган умумдават солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг ундирилувчанлик даражаси;

- амалдаги белгиланган тартибга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш ва фойдаланишга беришдан олинadиган даромадларнинг даражаси;

- мерос олиш ва ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағларининг суммаси;

- маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан берилadиган бюджет субвенциялари, бюджет дотациялари ва бюджет ссудаларининг суммаси;

- қайтарилмайдиган пул тушумларининг даражаси (улар юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда хорижий давлатлардан келиб тушиши мумкин);

- таъқиқланмаган бошқа даромадларнинг даражаси;

- умумдават солиқларидан тушумларга нисбатан ўрнатилadиган ажратмаларнинг нормативлари даражаси;

- маҳаллий бюджетлар доирасида амалга ошириладиган харажатларнинг суммаси ва уларнинг иқтисод режимига риоя қилиниб сарфланиши;

- маҳаллий бюджетлар харажатларининг мақсадга мувофиқ ва қонуний сарфланиш даражаси;

- кўзда тутилган маҳаллий бюджетлар харажатларини сарфлаш борасида қарор қабул қилувчи ва уларнинг амалда сарфланишини таъминловчи мансабдор шахсларнинг молиявий жавобгарлик даражаси;

- маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган эҳтиёжларнинг тўғри ва объектив равишда аниқланиш даражаси;

- маҳаллий бюджетларга тегишли бўлган барча даромадларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тушиб туриши;

- боқиманда суммаларининг даражаси;

- маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасида тегишли органлар ваколатлари ҳаракат этиш доирасининг катта-кичиклиги ёки тор-кенглиги;

- ва бошқалар.

Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи юқоридаги омилларни бир неча белгиларга қараб классификация қилиб, уларни шартли равишда маълум бир гуруҳларга ажратиш мумкин. Бизнинг назаримизда, уларнинг классификация қилинишида мезон сифатида олиниши лозим белгилар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

**1. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари орқали улар даромад базаларининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар.** Бу омиллар маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашдаги асосий омиллар бўлиб, юқорида келтирилган омилларнинг қуйидагилари бу гуруҳга бирлаштирилиши мумкин: суммаси маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг ундирилувчанлик даражаси; маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ равишда ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг ундирилувчанлик даражаси; амалдаги белгиланган тартибга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш ва фойдаланишга беришдан олинadиган даромадларнинг даражаси; мерос олиш ва ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағларининг суммаси; маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан берилadиган бюджет субвенциялари, бюджет дотациялари ва бюджет ссудаларининг суммаси; қайтарилмайдиган пул тушумларининг даражаси (улар юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда хорижий давлатлардан келиб тушиши мумкин); таъқиқланмаган бошқа даромадларнинг даражаси; умумдавлат солиқларидан тушумларга нисбатан ўрнатиладиган ажратмаларнинг нормативлари даражаси; маҳаллий

бюджетларга тегишли бўлган барча даромадларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тушиб туриши; боқиманда суммаларининг даражаси ва бошқалар.

**2. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари орқали улар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар.** Буларнинг таркиби маҳаллий бюджетлар доирасида амалга ошириладиган харажатларнинг суммаси ва уларнинг иқтисод режимига риоя қилиниб сарфланиши; маҳаллий бюджетлар харажатларининг мақсадга мувофиқ ва қонуний сарфланиш даражаси; кўзда тутилган маҳаллий бюджетлар харажатларини сарфлаш борасида қарор қабул қилувчи ва уларнинг амалда сарфланишини таъминловчи мансабдор шахсларнинг молиявий жавобгарлик даражаси; маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган эҳтиёжларнинг тўғри ва объектив равишда аниқланиш даражаларидан иборат бўлиши мумкин.

**3. Қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ равишда ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар.** Бундай омиллар орасида умумдавлат солиқлари бўйича тушумлардан ажратмалар нормативлари муҳим роль ўйнайди. Масалан, 2009 йилда 7та ана шундай солиқ тушумларига нисбатан ажратмалар нормативлари ўрнатилган бўлиб, уларга мувофиқ равишда юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ тушумларининг Бухоро вилоятида 55%и, Навоий вилоятида 50%и, Тошкент вилоятида 65%и, Фарғона вилоятида 83%и, Тошкент шаҳрида 10%и ва қолган бошқа вилоятларда эса 100%и уларнинг ихтиёрида қолдирилмоқда. Шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар ҳамда микрофирма ва кичик корхоналарни қўшиб ҳисоблаганда ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмаларнинг Тошкент шаҳри 35%и ва қолга барча маъмурий ҳудудлар учун эса уларнинг 100% миқдоридан

қолдирилиши режалаштирилган. Бир вақтнинг ўзида, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг 5%и Тошкент шаҳрида, 50%и Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида ҳамда 100%и қолган маъмурий ҳудудларнинг ихтиёрида қолдирилмоқда. Ушбу масалага тегишли бўлган бошқа амалий маълумотлар 1.2.1-1.2.5-иловаларда келтирилган бўлиб, бу гуруҳга кирувчи омилларнинг маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашда қандай роль ўйнаётганлиги хусусида тасаввурни пайдо қилишга ёрдам беради.

**4. Маҳаллий бюджетларнинг солиқ характериға эға бўлмаган даромадлари орқали улар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашға таъсир кўрсатувчи омиллар.** Амалдаги белгиланган тартибға мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш ва фойдаланишға беришдан олинадиган даромадларнинг даражаси, мерос олиш ва ҳады этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкиға ўтган пул маблағларининг суммаси, маҳаллий бюджетларға юқори бюджетлардан бериладиган бюджет субвенциялари, бюджет дотациялари ва бюджет ссудаларининг суммаси, қайтарилмайдиган пул тушумларининг даражаси (улар юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда хорижий давлатлардан келиб тушиши мумкин), таъқиқланмаган бошқа даромадларнинг даражаси кабилар ана шундай омиллар сифатида кўрсатилиши мумкин.

Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашға таъсир кўрсатувчи ва ушбу гуруҳға киритилган омиллар орасида бюджет субвенциялари ва бюджет дотацияларининг сезиларли таъсири ҳанузгача айрим маъмурий ҳудудларда (1.1.3-иловаға қаранг) билиниб турибди. Масалан, юқорида таъкидланганидек, 2006-2009 йилларда Наманган ва Сурхондарё вилоятлари бюджетлари даромад базалари барқарорлигининг 22-30%и ва 21-23%и, мос равишда, бюджет дотациялари ҳисобидан таъминланиб келинган. Бу айрим йилларда шу маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг 1/3 ёки 1/5 қисми шу омилнинг таъсири ҳисобидан таъминланаяпти, демакдир. Таъсирчанлик



нуқтаи-назаридан, бундан кўра кучлироқ бўлган фикрлар бюджет субвенцияларига ҳам тегишли. Буни биз, сал бошқачароқ йўналишда, юқорида (1.1.2-иловага қаранг) ҳам қайд этиб ўтган эдик.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи бу гуруҳга киритилган омилларнинг айримлари уларнинг бошқаларига нисбатан, шу вазифани бажариш мақсадида замонавий бозор иқтисодиётининг талаблари нуқтаи-назаридан, бир-бирига қарама-қарши йўналишда бўлмоғи лозим. Гап бу ерда, бир томондан, бюджет субвенциялари ва айниқса, бюджет дотацияларини босқичма-босқич қисқартириб бориш ва иккинчи томондан, давлат мулки объектларини жойлаштириш ва фойдаланишга беришдан олинadиган даромадларнинг даражаси, мерос олиш ва ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағларининг суммаси, қайтарилмайдиган пул тушумларининг даражаси, таъқиқланмаган бошқа даромадларнинг даражаси кабиларни ортириб бориш хусусида кетаяпти. Албатта, бу жуда мураккаб вазифа. Бунинг устига, таъсирчанлиги ортиб бориши лозим бўлган иккинчи йўналишга кирган омилларнинг ҳаракат этиш доираси чекланган. Шундай бўлишига қарамасдан, бу омиллар таъсирчанлигининг ортиб бориши бевосита маҳаллий ҳокимият органлари (вилоят ва туман ҳокимликлари, вилоятлар Давлат солиқ бошқармалари ва туманлар Давлат солиқ инспекциялари, бошқа маҳаллий бошқарув, жумладан, ўз-ўзини бошқариш органлари) фаолиятининг натижаларига бевосита боғлиқ бўлганлиги учун уларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир<sup>29</sup>.

**5. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи субъектив омиллар.** Бу гуруҳга кирувчи омиллар қаторига маҳаллий бюджетлар доирасида амалга ошириладиган харажатларнинг суммасининг тегишли мутахассислар томонидан реал аниқланиши ва уларнинг иқтисод режимига риоя қилиниб сарфланиши,

---

<sup>29</sup> Бу муаммонинг айрим жиҳатларига диссертация ишимизнинг 3-бобида батафсилроқ тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.


маҳаллий бюджетлар харажатларининг мақсадга мувофиқ ва қонуний харж қилинишини таъминлаш, кўзда тутилган маҳаллий бюджетлар харажатларини сарфлаш борасида қарор қабул қилувчи ва уларнинг амалда сарфланишини таъминловчи мансабдор шахсларнинг молиявий жавобгарлик даражаси, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган эҳтиёжларнинг тўғри ва объектив равишда аниқланиши, маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасида тегишли органлар ваколатлари ҳаракат этиш доирасининг катта-кичиклиги ёки тор-кенглиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Яхлит бир тасаввур ҳосил қилиш учун юқорида баён қилинганларни ягона бир тизимга келтиришга ҳаракат қилинса, бизнинг фикримизча, қуйидаги чизмани ҳосил қилишимиз мумкин (навбатдаги бетдаги 1.2.1-чизмага қаранг).

Шундай қилиб, диссертация ишимизнинг дастлабки бобида биз маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг назарий масалалари ва уларнинг уни мустаҳкамлаш йўналишларини ишлаб чиқишдаги аҳамияти доир масалаларни кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Бизнинг фикримизча, бу боб доирасида амалга оширилган тадқиқот ишлари қуйидаги хулосаларни шакллантиришга имкон беради:

1. “Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги” мураккаб иқтисодий моҳиятга эга. Унинг иқтисодий моҳиятини, энг оддий, примитив шаклда ва тарзда алоҳида-алоҳида олинган ва қуйидаги кетма-кетликда ифодаланган воқеликни ўзида мужассам этувчи сўзлар ва сўз бирикмалари орқали акс этувчи моҳиятлар синтездан иборат деб ҳисоблаш мумкин: “маҳаллий” – “маҳаллий бюджетлар” – “маҳаллий бюджетлар даромадлари” – “маҳаллий бюджетлар даромадлари базалари” - “маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”. Бунда, дастлаб “маҳаллий” – “бюджет” – “даромад” – “база” – “барқарорлик” сўзлари занжирининг маъно-мазмунига эътибор бермоқ ва уларни аниқлаб олмоқ зарур;

## Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар



1.2.1- чизма. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар<sup>30</sup>

<sup>30</sup> Тадқиқот натижаларига кўра муаллиф ишланмаси.

2. “Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги”нинг иқтисодий моҳиятини ифодаловчи унга қуйидагича таърифни бериш мумкин: **маълум бир нисбатдаги бириктирилган ва тартибга келтирувчи (солувчи) даромадлардан иборат бўлган, алоҳида олинган маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасидаги бюджет тадбирларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда узлуксиз молиялаштириш имкониятини таъминлашга маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги дейилади;**

3. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини аниқлашга бир неча кўрсаткичлардан иборат бўлган алоҳида олинган тизим хизмат қилиши мумкин. Уларнинг энг муҳимлари, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий бюджетларнинг харажатлари даражасида уларнинг шунга тенг бўлган даромадлар билан таъминланганлиги;
- Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари даражасини характерловчи кўрсаткич;
- маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ молиялаштирилганлигини ифодаловчи кўрсаткич;
- маҳаллий бюджетларнинг даромад базалари сифатида эътироф этилган даромадларнинг белгиланган суммаларда ва ўз вақтида бюджетга тўлиқ тушиб туришини кўрсатувчи кўрсаткич;
- маҳаллий бюджетлар умумий даромадларининг таркибида бириктирилган даромадларнинг салмоғи орқали ифодаланувчи кўрсаткич;
- маҳаллий бюджетлар умумий даромадларининг таркибида тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларнинг салмоғи орқали ифодаланувчи кўрсаткич;
- маҳаллий бюджетларни мақсадли субвенциялаштириш кўрсаткичи (харажатларнинг субвенцияланиш кўрсаткичи);

- маҳаллий бюджетлар харажатлари бир қисмининг дотациялар ҳисобидан қопланиш даражаси орқали ифодаланувчи кўрсаткич (харажатларнинг дотацияланиш коэффиценти);

- ва бошқалар.

4. Маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашнинг объектив зарурлиги қуйидагилар билан белгиланади:

- мамлакатимиздаги барча маҳаллий бюджетларнинг балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши кераклиги ҳамда уларнинг тақчиллигига йўл қўйилмаслиги;

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спортга доир тадбирлар асосий қисмининг маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилаётганлиги (маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича);

- маҳаллий бюджетлардан ижтимоий таъминот ва аҳолини бевосита ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг тўлиқ молиялаштирилаётганлиги (айрим истиснолар бундан мустасно);

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш, иқтисодиёт турли тармоқларининг бюджет ташкилотларини сақлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга оширишнинг зарурлиги;

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш бир қисмининг маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилиши;

- Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қайта бериладиган даромадларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадлари даражасининг амалиётда ҳамон нисбатан паст даражада сақланиб келинаётганлиги, айрим маъмурий ҳудудларда бу кўрсаткич даражасининг кескин ортиш тенденциясига эга бўлаётганлиги, унинг 100,0%лик даражасига эришган вилоятлар сонидан бирор-бир ўзгаришларнинг содир бўлмаётганлиги;

- ижтимоий нафақалар, марказлаштирилган инвестициялар ва ижтимоий суғурталарга ажратмаларни молиялаштиришга субвенцияларнинг мавжудлиги;

- маҳаллий бюджетлар харажатлари бир қисмининг амалиётда дотацияланаётганлиги;

- ва бошқалар.

5. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: суммаси маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига бевосита боғлиқ бўлган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг ундирилувчанлик даражаси; маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ равишда ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг ундирилувчанлик даражаси; амалдаги белгиланган тартибга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш ва фойдаланишга беришдан олинадиган даромадларнинг даражаси; мерос олиш ва ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағларининг суммаси; маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан бериладиган бюджет субвенциялари, бюджет дотациялари ва бюджет ссудаларининг суммаси; қайтарилмайдиган пул тушумларининг даражаси (улар юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда хорижий давлатлардан келиб тушиши мумкин); таъқиқланмаган бошқа даромадларнинг даражаси; умумдавлат солиқларидан тушумларга нисбатан ўрнатиладиган ажратмаларнинг нормативлари даражаси; маҳаллий бюджетлар доирасида амалга ошириладиган харажатларнинг суммаси ва уларнинг иқтисод режимига риоя қилиниб сарфланиши; маҳаллий бюджетлар харажатларининг мақсадга мувофиқ ва қонуний сарфланиш даражаси; кўзда тутилган маҳаллий бюджетлар харажатларини сарфлаш бо-расида қарор қабул қилувчи ва уларнинг амалда сарфланишини таъминловчи мансабдор шахсларнинг молиявий жавобгарлик даражаси;

маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилиши лозим бўлган эҳтиёжларнинг тўғри ва объектив равишда аниқланиш даражаси; маҳаллий бюджетларга тегишли бўлган барча даромадларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тўлиқ тушиб туриши; боқиманда суммаларининг даражаси; маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъмин-лаш ва уни мустаҳкамлаш борасида тегишли органлар ваколатлари ҳаракат этиш доирасининг катта-кичиклиги ёки тор-кенглиги; ва бошқалар.

б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб классификация қилиш мақсадга мувофиқ:

- маҳаллий бюджетларнинг даромадлари орқали улар даромад базаларининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар;
- маҳаллий бюджетларнинг харажатлари орқали улар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ равишда ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар;
- маҳаллий бюджетларнинг солиқ характериға эға бўлмаган даромадлари орқали улар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар;
- маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигини таъминлашга таъсир этувчи субъектив омиллар.

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлигининг назарий масалалари ва уларнинг уни мустаҳкамлаш йўналишларини ишлаб чиқишдаги аҳамияти доир масалалар хусусида ўз позициямизга эға бўлганимиздан сўнг, тадқиқотимизнинг олдиға қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, энди мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар даромад базалари барқарорлиги даражаси амалдаги ҳолатининг таҳлилини амалға оширишимиз керак.